

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК**Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

Г.Эрназарова

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

С.Жумаева

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

А.Тўйчиев

Нурали Қобул ижодига умумий назар 106

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

А.Мамажонов, А.Абдуллаев

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида 114

Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи 119

Н.Умарова

Навоий асарларида “сўз” концепти 126

И.Мадраҳимов

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси 130

Д.Мадазизова

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

А.Саминов

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглари ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида 142

Ш.Бойханов

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги 147

З.Позилжонова

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ**С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожига ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

Н.Комилов

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) 157

М.Болтабоев

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи 161

С.Юлдашев

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши 164

He who perceives the world perceives the word. By perceiving the word, he perceives the world more deeply. He who reaches the bottom of the word enjoys as he reaches the bottom of the world. Just as the universe cannot be fully understood, it is impossible to get to the bottom of

the word. In this regard, Jalaliddin Rumi is right: "Man is a great miracle and everything is written in it. However, since there are darkness and curtains (it is said that there are 700 curtains of darkness and light [13; 128]), they do not allow the writings to be read "[13; 22].

References:

1. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. – Т.: Янги аср авлоди, 2016.
2. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. – Т.: Академнашр, 2013.
3. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976.
4. Сафаров Ш. Семантика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013.
5. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.
6. Жалолиддин Румий. Етти мажлис. Мажолиси сабъа. –Т.: Янги аср авлоди, 2019.
7. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. www.ziёуз.com кутубхонаси.
8. Муминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т.: ЎзР ФА ТАИ, 2000.
9. Галиева М.Р. Вербализация контсептосферы word/ сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2010.
10. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990.
11. Алишер Навоий. Саб'ай сайёр. www.ziёуз.com кутубхонаси.
12. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Т.: Ҳилол-Нашр, 2018.
13. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / У.Ҳамдам таржимаси. @Электрон– китоблар–уз.

УДК: 809.437.5-5+801.3

ТАСНИФ – ТАДҚИҚОТНИНГ ИБТИДОСИ ВА ИНТИҲОСИ
КЛАССИФИКАЦИЯ КАК НАЧАЛО И КОНЕЦ ИССЛЕДОВАНИЯ
CLASSIFICATION – THE BEGINNING AND THE END OF A RESEARCH

И.Мадраҳимов¹

¹ И.Мадраҳимов

– Қўқон ДПИ, филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация

Мақола ҳар қандай тадқиқотнинг моҳиятини белгилловчи тасниф жараёни ва унга доир асосий тушунчалар таҳлиliga бағишланган. Тилшуносликда таснифга бўлган турли ёндашувларнинг мавжудлиги ҳамда лисоний тасниф босқичлари хусусида сўз юритилган.

Аннотация

Статья посвящена анализу основных понятий процесса классификации, определяющих сущность всякого научного исследования. В ней рассматриваются различные подходы к классификации и этапы лингвистической классификации в языкознании.

Annotation

The article is devoted to the process of classification assigning the essence of any research and the analysis of basic concepts related to it. Different approaches to classification in linguistics and the steps of linguistic classification are explained.

Таянч сўз ва иборалар: тасниф, тадқиқот манбаи, тасниф методологияси, тасниф фалсафаси, лингвистик тасниф, лисон-нутқ дихотомияси, семема ва семема варианты, фонетик-фонологиксатҳ.

Ключевые слова и выражения: классификация, источник исследования, методология классификации, философия классификации, лингвистическая классификация, дихотомия языка и речи, семема и вариант семемы, фонетико-фонологический ярус.

Keywords and expressions: classification, source of research, methodology of classification, philosophy of classification, linguistic classification, dichotomy of language and speech, sememe and version of sememe, phonetic-phonological level.

Тилшуносликда тасниф энг муҳим жараёнлардан бири бўлиб, у ҳар қандай тадқиқот ва изланишнинг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳоси саналади. Маълумки, тадқиқотчи изланишга киришар экан, бу фаолиятни лисоний бирликларнинг маълум бир тизимдаги ўрнига таянган ҳолда бошлайди ва тадқиқот натижаларини ҳам маълум бир тизимларга жойлаштиради. Мана шу жараён моҳиятан таснифлашдир. Зероки, илмий хулоса тадқиқ этилаётган ҳодиса ҳақида муайян бир баҳо беришни, яъни уни тасниф қилишни тақозо этади. Афсуски, ўзбек тилшунослигида тасниф муаммоси ҳозиргача махсус тадқиқот манбаи бўлган эмас. Бунинг натижасида ўзбек тилшунослигида турли тил ҳодисалари таснифига бағишланган махсус тадқиқотларда ҳам тасниф методологияси, тасниф асослари, тасниф фалсафасининг моҳияти чуқур очиб берилмай қолган. Сабаби ўзбек фани Европа фани асослари заминида ўтган асрнинг 40-90-йиллардаги ривожланиш босқичида ўзининг (ҳамда Европа фалсафаси ва методологиясининг) асоси бўлмиш буюк Шарқ фалсафасидан узилиб қолган ва Шарқда Х

асрдаёқ таснифнинг ибтидоси, илмий таҳлилнинг бошланиши деб саналган борлиқнинг лисоний таснифи, унинг илмий таснифларга муносабати масаласига мутлақо эътибор берилмай қолган эди. Натижада ўзбек тили тадқиқотчилари ҳам улуғ аждодларимизнинг шу борадаги ўғитларини бутунлай ёддан чиқариб қўйдилар. Чунончи, буюк «Муаллим ас-соний» (Абу Наср Форобий) бу ҳақда шундай ёзган эди: «Мен субстанция ва акциденциядан қандай қилиб илмларнинг келиб чиққанлигини исботлашга ўтаман... Илмларнинг қаердан келиб чиққанлиги маълумдир. Маълумки, улар сезгилар орқали қабул қилинувчи ва ақл охиригача билинувчи субстанция ва акциденцияларнинг жойлашуви муносабати билан вужудга келгандир» [1,78]. Улуғ олим «лисоний тадқиқ ва тасниф манбани ўрганиш, тадқиқ этишнинг илк босқичидир», деган таълимотни илгари суриб ёзади: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласи)га келганимизда, бу ҳақдаги илмларнинг энг биринчиси жисмлар, яъни субстанция ва

акциденцияларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлардир, деб тасдиқлайман» [1,17]. Бу сўзлар ҳар қандай таснифни, хоҳ илмий, хоҳ фалсафий бўлсин, шу ҳодисанинг лисоний таснифи билан боғлаб бориш зарурлигини яна бир бор уқтиради.

Тилшуносликда таснифга онгли ва онгсиз ёндашиш мавжуд. Онгсиз ёндашишнинг моҳияти шундаки, ҳар қандай ҳукм, ҳар қандай таърифи хоҳ инкор, хоҳ тасдиқ, хоҳ қўшиш, хоҳ ажратиш, тенглаштириш, фарқлаш, зидлаш бўлишидан қатъий назар, тасниф билан алоқадордир. Лекин биз кўпинча бунинг тасниф эканлигини уқмаймиз ва одатий равишда ундан фойдаланиб, қўллаб кетаверамиз. Оддийгина «А – унли товуш» дедикми, биз ўзига хос бир таснифни амалга оширган бўламиз. «А – унли фонема» ҳукмида биз «а»ни, аввало, фонема сифатида тасниф этдик, онгимизда унинг унлилар гуруҳига мансублигини қайд этдик. Бу тасниф амалий, онгсиз таснифдир.

Ҳеч бир ҳукм таснифдан ҳоли бўлолмайди. Ҳатто «Бу – китоб.» каби оддийгина тасдиқ ҳам таснифдан ҳоли эмас, чунки биз ишора сўз «бу олмоши» ишора қилаётган предметни «китоб» туркумига қўшдик, бирлаштирдик; «китоб бўлмаган нарсалар»дан ажратиб, «Китоб» гуруҳига мансублигини таъкидладик. Бундай амалий, онгсиз, беихтиёр тасниф бирор нарсани аташ, номлаш ёхуд бирор ҳукм ифодалаш учун амалга оширилаётган зарурий амалиёт бўлиб, сўзловчи бундай ҳолатларни тасниф сифатида тушунмайди. Бу, тилшуносликда ҳам тасниф сифатида ўрганилмайди.

Тилшуносликдаги тасниф илмий таснифнинг бир тури бўлиб, тилга хос ҳодисалар ва бирликларнинг ўзига ўхшаш ва ноўхшаш, ўзига тенг (бир сатҳ), ўздан катта (юқори сатҳ ёки босқич), кичик (қуйи босқич ёки сатҳ) бирликлари билан хилма-хил алоқадорликларни аниқлаш, парадигмаларни ажратиш, парадигма ичида сира бирликлари орасидаги муносабатларни аниқлаш ва фарқлаш жараёнидир.

Лингвистик (лисоний) таҳлил турлари беҳад хилма-хилдир. Лингвистик таҳлил деганда биз тил билан алоқадор бўлган ҳар турдаги таснифни тушунамиз. Агар лингвистик таснифнинг икки турини ажратиш керак бўлса, унинг биринчи тури лисоний бирликларнинг таснифи – тилнинг структур бирликлари таснифи; иккинчи тури эса тилнинг ижтимоий-тарихий таснифи сингариларга ажратиш мумкин. Бунда тилнинг структур бирликлари

таснифида тилни сатҳларга ажратиш, сатҳлар ичида тил бирликларининг ўзига хос хилма-хил гуруҳлари ва бирликлари орасидаги фарқ ва ўхшашликлари ўрганилса, тилнинг ижтимоий-тарихий таснифида тилларнинг генеалогик, типологик, географик тарқалиши, тилларнинг ўзаро таъсири, ажралиши, қўшилиши (бирикиши), тилнинг жамият билан алоқалари турлари каби масалалар ўрганилади.

Соф лингвистик таҳлил масалаларини муҳокама қилишдан олдин бир ўта чигал масала – лингвистик таҳлил ва «лисон – нутқ» дихотомияси масаласи устида тўхталмоқ жоиз. Зероки, тасниф, одатда, умумийликлар – категориал ҳодисалар ва белги-хусусиятлар билан иш кўради. Тилда эса умумийлик ва хусусийлик, УМИС ва ЯҲВО одатда турли босқичлар – тил ва нутқ сатҳ -- босқичлари бирликлари сифатида турли босқичларга нисбат берилади.

Тасниф асосан категориал белгилар – умумий хусусиятларга таянганлиги сабабли уни фақат лисоний босқич бирликларига хос амалиёт, деб ўйлаш мумкин. Бу тўғри эмас. Масалан, фонемалар таснифи билан нутқ товушлари таснифини аралаштириб бўлмайди. Ёки гапларнинг семантик таснифини гап қолипларининг структурал таснифи билан ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Умуман, таснифда нутқий ҳосилалар таснифга жалб этиладими ёки йўқми? деган савол туғилади. Бунда воқеланадиган жиддий муаммонинг ўзи лисоний ва нутқий босқичлар бирликларининг табиатини ва ҳар бир босқич бирликлари рўйхатини тузишдир. Бунда муҳокама этилиши ва ҳал этилиши зарур бўлган масала нима нутқий ёки нима лисоний ҳодиса эканлиги ҳисобланади. Масалан, ясама сўз. Бу масаланинг ўзбек тилшунослигида Ҳ.Неъматов, О.Бозоров [2,30], Р.Салоев [3] ишларидан кейин академик А. Ҳожиёв томонидан қайта муҳокамага қўйилганлигини эслаймиз: ясама сўз қайси босқич бирлиги?

Бунда тамал тоши асосан битта бўлиши мумкин: ясама сўзда маъновий ёки вазифавий ихтисослашиш мавжудми, йўқми? Ихтисослашиш мавжуд бўлса, ясама сўз луғатдан ўрин олади ва у ёки бу даражада лисонийлашган бўлади. Лисонийлашишда эса қуйидаги босқичларни ажратиш лозим:

1. Ихтисослашиш.
2. Яхлитланиш.
3. Соддаланиш.
4. Тублашиш.

Ихтисослашишда ҳосила сўзловчи ва тингловчи жамият аъзолари онгида

яхлитланган маълум бир мазмун (тушунча) билан боғланган бўлади ва бу ҳосила матндан ташқарида ҳам сўзловчилар томонидан рамз сифатида қабул қилинади. Шу нуқтаи назардан *ташкilotчи* ва *тафсилотчи* сўзларини таҳлил қилиб кўрайлик. Биринчидан, *тафсилотчи* на изоҳли ва на имло луғатларида қайд этилган. *Ташкilotчи* сўзи эса ҳар икки турдаги луғатларда мавжуд. Нега? Жавоб жуда оддий: *ташкilotчи* ўзбек учун ихтисослашган, яхлитланган, бир маънога эга, унинг онгида маълум бир мазмун, ахборот, тушунча билан боғланган ва шунинг учун луғатдан ўрин олади, матндан ташқарида ҳам унинг онгида яшай олади, хотирасида сақланади. *Тафсилотчи* эса бундай яхлитланиш ва ихтисосланиш хусусиятига эга эмас. Лекин *тафсилотчи* ҳосиласи ўзбек нутқи учун хос эмасми? Хос эмас ёки мумкин эмас, деб айтиш ўринсиз. *Тафсилотчи* ясама сўзи нутқда бирор нарса, воқеа-ҳодисанинг муфассал тавсифини берувчи шахс, ҳужжат, восита маъносида бемалол қўллана олади. Бу, ўзбек нутқи учун бегона эмас. Лекин *ихтисосланиш* ва *яхлитланиш* унда содир бўлмаган. Шунинг учун у маълум бир контекстларда, нутқий шароитдагина қўллана олади ва ўша нутқий шароитдагина ўзбек учун тушунарли бўлади. *Ташкilotчи* сўзи шаклий қурилиши жиҳатидан *тафсилотчидан* фарқ қилмаган ҳолда мазмун жиҳатидан ундан тамоман фарқланади. Унда ихтисослашиш ва шу асосда мазмуний томоннинг яхлитланиш ҳодисасини кузатиш мумкин. Бу яхлитланиш аввало сўз яшаш асоси вазифасида келган *ташкilot* сўзининг ўзбек тилидаги бир неча маъноларида унинг бу сўз таркибидаги фақат битта маъноси билан иштирок этаётганлигида намоён бўлади. УТИЛ (Ўзбек тилининг изоҳли луғати) *ташкilot* сўзида фақат битта – «муассаса» маъносини қайд этади. Ваҳоланки, тилимизда *ташкilot* сўзининг яна бошқа – «уюштириш, тузиш, бунёд қилиш, яратиш, ташкил этиш» маънолари ҳам мавжуд. Чунончи, *Муҳокаманинг ташкilotи Салимга юклатилди.* («Ташкил этиш» маъносида қўлланган). *Ташкilotчи* сўзида сўз яшаш асоси худди шу маъно – «ташкил этиш» маъносида қатнашган ва *ташкilotчи* лексемаси ихтисослашиш ва унинг натижаси бўлмиш маъновий яхлитланишнинг сабаби сифатида сўз яшаш асоси вазифасида келган қисмининг маъновий ўзгаришини кўрсатади. Бундай ҳолатда қараш мумкинки, луғатдан ўрин олган, лекин зоҳирий, шаклий кўриниши очиқ-ойдин бўлган ясама сўзлар, том маънода,

нутқий бирлик сифатида боғлана олмайди. ҳам шаклан, ҳам мазмунан бўлинувчи ва ўзбек онгидан маълум бир бутунлик сифатида ўрин олмаган ҳосилаларгина нутқий бирлик сифатида баҳоланиши мумкин. Демак, ясама сўзларни лисон ёки нутқ босқичига мансублигини тасниф этиш ҳам мураккаб муаммолардан биридир.

Соф лингвистик таснифнинг луғатчилик билан боғлиқ бўлган яна бир муаммоси сўздаги семемалар ва семема вариантларини тасниф этиш ҳамда уларни луғатларда акс эттиришдир. Ўзбек тилшунослигида бу масала Б.Менглиев ва Ш.Бобожонов ишларида [5, 178] махсус, А. Ҳожиёв [5,253], Ш.Раҳматуллаев [6,], М.Миртожиев [7,140], Г.Неъматова [8] ишларида эса сўзнинг семантик структураси ва унинг тавсифи муаммолари билан биргаликда тадқиқ этилган.

Сўз таркибидаги мустақил семемаларни ва семема вариантларини фарқлашда «боғлиқ» ва «эркин қуршов», шу билан алоқадор «бир хил қуршов» назарияси асос бўлмоғи керак бўлади. Бир сўз бир хил қуршовда икки ва ундан ортиқ семемани воқелантира олса, бундай семемалар мустақил семемалардир ва улар луғатда алоҳида-алоҳида тасниф этилиши ва берилиши зарур. Чунончи, «*Иккита олмани кесдик.*» Ушбу контекстда *олма* икки маънони воқелантиради ёки бир маънони? Чунки, одатда, ўсимликларни атовчи сўзларда *ўсимлик*, *яъни олма дарахти* (русча «яблоня»), *мева* («яблоко») ва ҳосил маънолари билан ҳар хил контекстларда (қуршовларда) воқеланувчи бир семеманинг турли вариантлари сифатида юзага чиқади. Лекин «*Олмани кесдик.*», «*Ўрик қуриди.*», «*Шафтоли чириди.*» каби ҳолатларда *олма*, *ўрик*, *шафтоли* айни бир хил контекстда икки семемани воқелантиряпти ва бу сўзларнинг «ҳосил» ва «ўсимлик» маъноси мустақил семема сифатида тавсиф этилиши даркор.

Юқоридаги сингари тасниф билан узвий боғлиқ масалаларни ҳар бир сатҳ бирликларида кўриш мумкин. Жумладан, фонетик-фонологик сатҳда фонемалар таркибини аниқлаш, масалан, ўзбек тилида чўзиқ «*и*» борми, йўқми, *сина* – *сийна*, *Самарқанди* – *Самарқандий* каби сўзларда «*ий*» нутқий фонетик вариант – дифтонгми ёки мустақил фонемами? Ёки фонемаларнинг олд қатор ва орқа қатор кўринишлари, аллофонлари лисоний босқичга мансубми ёки нутқий босқичгами? Грамматик сатҳда лисоний-синтактик қолипларнинг